

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ МАҲОРАТИНИНГ АЖИБ ҚИРРАСИ**Эшчанова Гулнара Наримановна**

Низомий номидаги ТДПУ “Мақтабгача таълим рсихологияси ва педагогикаси”

кафедраси доценти, п.ф.н.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7371802>

Аннотация. Мазкур мақолада А.Навоийнинг портрет яратиши хусусидаги мулоҳазалар Лайли тимсоли мисолида тадқиқ этилган. Хусусан, адабий асарларнинг таъсирчанлиги, улардаги талқинни тўла англаш инсонда ҳис-туйғу ва кечинмаларни юзага келтиришида портрет чизгиларининг ўрни ҳақидаги мулоҳазалар баён этилган. Ижодкорнинг портрет яратишидаги ўзига хос услуби асардаги зоҳирий ва ботиний эстетик моҳиятини, шу билан бирга ижодкор ва китобхон ўртасидаги ўзаро муаносибликни қамраб олиши очиқ берилган.

Калим сўзлар: санъат, гўзаллик, бадиий асар, руҳият, онг, портрет.

ЗАМЕЧАТЕЛЬНАЯ ГРАНИ МАСТЕРСТВА АЛИШЕРА НАВОЯ

Аннотация. В данной статье вопросы привлекательность искусство слова исследованы на примере произведение Абу Али ибн Сино. Духовное наслаждение чаще всегда проявляется у людей воздействием искусства и эстетических впечатлений. В том числе, воздействие литературных произведений, их представление приводит к полному пониманию. Наслаждение художественным произведением имеет свою характерность и включает в себя внутренние и внешние эстетические основы, а также связь автора и читателя.

Ключевая слова: искусство, красота, художественный произведения, сознание, портрет.

A REMARKABLE FACE OF ALISHER NAVOY'S SKILL

Abstract. In given article questions attractiveness art of the word explored on example product Abu Ali ибн Sienna. The кpiritual enjoyment more often always reveals itself beside people influence art and aesthetic impressions. Including, influence of the literary product, their presentation brings about full understanding. The unjoyment by artistic product has its характерность and comprises of itself internal and external aesthetic bases, as well as relationship of the author and reader.

Keywords: artificially, enjoyments, artistic product, spiritual, figurative expression.

Алишер Навоийнинг асарлари гўзаллик категориясини ўзида мужассам этганлиги ва эҳтиросли фикрларга бойлиги билан китобхонни мафтун этади. Шоир асарларида ифодаланган гўзалликни нафосат фалсафаси сифатида қараш мумкин. Чунки унда бадиий ифодасини топган гўзалликда ушбу категориянинг барча кўринишлари мужассамлашган. А.Навоийнинг қайси асрини ўқимайлик ундаги ҳар бир қаҳрамонда ҳақиқий гўзаллик жамланганлигини кўрамиз. Шоир ўз қаҳрамонларини шунчалик меҳр билан тасвирлайдики, ҳар қандай китобхон уларга ҳавас билан эргашади. Бунинг сабаби қаҳрамонлардаги ташқи гўзаллик, бевосита ботиний, қалб гўзаллиги билан ҳамоҳангликка эғалигидадир. Лайлининг таърифига эътибор қилайлик:

Ул нодирани қилиб тамоша.

Баъзи юзидин топиб тахайюр,

Шамъию не шамъ чашмаи нур,

Нурики ёмон кўз олидин дур.
 Нахлию, не нахл, сарви озод,
 Сарвию, не сарв, рашки шамшод.
 Ойию, не ой, бадри толий.
 Бадрию, не бадр, меҳри ломиъ.
 Шаҳд икки лаби, вале ратабнўш,
 Бадр икки юзи, вале қасабпўш.
 Зулфи тунида узори хуршед,
 Хуршед уза зулфи шоми уммед. [1.46]

Шам, чашма, нур, дур, ниҳол, шамшод, ой, хуршед, зулф, хурмо, ниқоб деталлари асосида Лайлининг хуснигина эмас, балки чин инсоний фазилатлари ҳам тасвирланади. Қолаверса, А.Навоий бу образ чизгиларида фойдаланган тафсилотлар ва деталлар оқиллик билан танланган бўлиб, шоир эҳтирослари, руҳий олами ва туйғуларининг тафаккурга йўғрилган инъикоси сифатида намоён бўлади.

Адабиётшунос олим Сайди Умиров: “Бадий асар организмнинг таркибий қисмини, тўқималарини ташкил этган образ ва картиналар ўз навбатида, турли элементлардан, “хужайра”лардан таркиб топади. Деталь, тафсилотлар ана шундай “хужайра”лардан ҳисобланади. Демак, деталнинг энг асосий вазифаси ғояни ифодаловчи образ ва картиналар яратишда иштирок этишдир”, – дейди. [2.18] Лайлининг портрети чизгиларида қўлланилган ҳар бир деталь, шунчаки қўлланилмайди, балки бу деталлар қаҳрамонга нисбатан ижодкорнинг муҳаббати рамзининг ифодасидир. Навоий қаҳрамонлари таърифи учун танлаган деталлар гўзаллик ва эзулик яратувчисига айланади. Қаҳрамондаги гўзаллик: хусн-латофат, назокат, ажойиб ҳулқ, андеша, маънавий-руҳий поклик, юрак тўла муҳаббат, туйғу ва фикрдаги уйғунликда намоён бўлади.

Шаҳди лабидинки коми ширин,
 Андин келибон каломи ширин.
 Жоп топибон улки ўпса они,
 Мундин дебон оби зиндағони.
 Ҳам жон келиб икки лаъли майгун,
 Ҳам тавқи зақан келиб анга нун. [1.46]

Бизга аёнки, Алишер Навоий ўз ижодида ҳарфий санъатдан ҳам қаҳрамонлари портретини яратишда ниҳоятда усталик билан фойдаланган. Хусусан, шоирнинг “жон” сўзи орқали маъшуқа портретини чизиб берган машғур рубоийсини кўпчилик китобхонлар яхши билади. Аллома Лайли таърифида яна бир бор “жон” сўзи ҳарфлари орқали портрет яратади, аммо бундаги ҳарфий санъат бошқача тарзда намоён бўлади. Лабигина эмас, ундан чиқаётган сўзлари ҳам шириндир чунки унинг лабига жон захиралари йиғилган, уни ўпган киши ундан жон топади. Шу ўринда ижодкор онгининг яратувчилик фаолиятида юзага келган сифат ўзгаришлари туфайли янги топилма бўй кўрсатиб, китобхонни мафтун қиладиган тасаввурни яратади ва Лайлининг икки қизил лабини жонбахшлиги учун жонга қиёслайди, “жон” сўздаги “нун” ҳарфини маъшуканинг бақбақасига менгзайади. Навоий Лайлини меҳр билан тасвирлаб унинг тимсолида мукамал гўзалликни кўради ва асар давомида анашу гўзалликнинг турли қирраларини оча боради. Лайлида жамланган гўзаллик асар давомида янада мукамаллашиб боради.

Олам аро чехрадин гул очиб,
Хай бирла гулоб ерға сочиб
Зоҳир қилиб ул гулу гулоби,
Ишқ ўтидин ўзга обу тоби.
Ҳар бир монгишида юз латофат,
Йўк, йўкки, сочиб жаҳонға офат.
Гул баргига сарв узра манзил,
Ҳам сарви равони гулга ҳомил.
Таъриф қилурча юз жамоли,
Васф этгуча юз минг эътидоли. [1.92]

Натижада бу гўзалликни қабул қилгувчи ўқувчи қалбида унга нисбатан муҳаббат юзага келади. Бу муҳаббат фақатгина сезгиларда эмас онг ва идрокда юз кўрсатганлиги туфайли Навоийнинг ундан уфуриб турган эҳтиросли, дардчан қалбининг ҳароратини ҳис қилиб, бадий идроки чуқурлашиб, муаллиф билан бирга қаҳрамоннинг руҳияти, тақдири, воқеалар ва нарсаларнинг моҳияти ичига янада чуқурроқ кириб боради. Воқеалар ривожига жараёнида ҳам Навоий гўзаллик яратувчилик позициясидан чекинмайди, балки уни янада гўзалроқ таърифлашга интилади. Натижада ҳеч кимнинг хаёлига келмаган ажойиб ўхшатишни *гул ва сарв* деталлари асосидаги ноанъанавий таърифни топади. Энди Лайлининг қадду-қомати ва юзи жамолини бир-бир тавсифлаб ўтирмай, бир йўла уни *сарв тепасида очилган гул ёки, гул кўтариб келаётган сарв дарахти* деб таърифлайди. Навоий гўзал тавсиф ва ҳис-туйғулар оқимини ақлий фаолият билан умумлаштириб, бетакрор ва мафтункор портрет яратади.

REFERENCES

1. www.ziyouz.com kutubxonasi. А.Навоий асарлари.
2. Умиров С. Санъатнинг сеҳрли калити. Т.: 1974.
3. Р.Х. Ниязметова, Г.Н. Эшчанова. Некоторые вопросы обучения восприятия и выразительному чтению русскоязычных учащихся на уроках узбекского языка. Молодой ученый, 2013. № 12. стр. 506-508.
4. Ниязметова, Р. Х., & Эшчанова, Г. Н. (2013). Некоторые вопросы обучения восприятия и выразительному чтению русскоязычных учащихся на уроках узбекского языка. *Молодой ученый*, (12), 506-508.